

Озарбайжон турк сахнаси якинда 50 ёшга кириши муносабати билан катта бир байрам килиб ўтказди.

Хакикатан, Русия турклари орасида энг эски сахнага эга бўлгонлар — Озарбайжон туркларидир. Озарбайжон театр ёзувчилигининг отаси бўлгон Мирзо Фатхали Охундўвнинг ўлганига, озарбайжон сахнасининг улуг оғаси бўлгон Араблинскининг дунёдан кетганига бир неча йил бўлуб колди. Ўзининг шу учун умрида кўб оғир кунларни ўтказган бу сахна, бу кун улуг ва ярашар бир шараф билан ўзининг эллик йиллик байрамини ўтказмакдадир.

Бокуда чиқадургон «Кўммунист» рафикимиз шу байрам шарафига бир бош макола бағишлаган. Ул маколада нафис санъатнинг ахамияти, озарбайжон сахнасининг бошидан ўтказган оғир кунлари ва унинг хозирги ахводи тўғрисида фикр юргизиладир.

Хакикатан, 50 йил оз муддат эмас.

Бу муддат орасида кўб нарса ишламак мумкин. Лекин, озарбайжон сахнаси ҳам бизнинг сахнамиздек халкнинг энг қора жохил вақтида бош кўтарганлигидан; «Чапга айланса кофирлик, ўннга бурилса динсизлик таънага йўлукуб, дин талкин қилгувчи динсизларнинг хар турлик хужумлари остида қолиб оқ саллалик бойкушлар, қоп-қора нодонларнинг чангалидан халкни қутказиб олмакка тиришкон».

Албатта, бундай бир мухитда 50 йил яшагон сахна жуда кўб нарса қила олмаса, маъзурдир. Учмасдан, сўнмасдан, йўқ бўлмасдан давом этиб келган бўлса, бу кун шу ҳам катта хизматдир.

«Кўммунист» рафикимиз: «Бу кунги театримиз кечаги вазифасини ифо(да) қилиб турадирми? Бу кунги сахнамиз маданиятга томон хатлагон қадамларимиз билан чиқишдирила олурми?» деб иккита мухим савол бергандан кейин, бу саволга ўзи: «Таассуфга қарши, дархол «йўк!» қалимасини қўллашга мажбур бўлиб қоламиз», деб жавоб берадир.

«Кўммунист» рафикимиз бу савол ва бу жавоблари билан сахнанинг шу кунги холига каноатлана олмагонлигини кўрсатмак истайдир. Маколасинниг охирида сахнанинг тузалиши учун «масъулиятни ухдасига олгон Озарбайжон маориф комиссарлигига муваффакият» тилайдир.

Зотан, рафикимизнинг тилаган муваффакияти таъмин этилган ҳисобдир. Сахна ва санъат ишлари учун бурун ҳам ҳозир ҳам энг керак бўлгон моддий масъаласи ортиги билан ҳал этилган: «Байрам кунда Озарбайжон турк театрига декоратсиялар ҳозирламок учун маориф комиссарлиги томонидан 100 сўм олтун пул чиқарилгон.

Байрам комиссиясининг бир мажлисида хўжалик идораларининг турк театрига моддий ёрдам беришлари лозим эканлиги тўғрисида бир қарор чиқарилиб, биринчи ўларок куйидаги идоралар иона қилгонлар: Халқ комиссарлар Шўроси раиси ўртоқ Сабикиф, комиссарлар шўроси отидан 15000 сўм олтун пул, Озарбайжон нефть идораси раиси Йўлдош Серибруфски 15000 сўм олтун пул, саноат тижораси комиссари ўртоқ Султониф 10000 сўм олтун».

Бу ёрдамнинг бошидир ҳали давоми ва охири бор. Демак, Озарбайжон сахнаси тўла таъмин этилган.

Биз, бу ерда — ўзбек давлат труппасини тарқатиш арафасида турубмиз. Шунда ҳам маънос бўлмаймиз. Унингда кадри билинур вақти бордир, ахир!

Ҳозирча том маъноси билан етим бўлган ўзбек сахнасининг бир муҳиби, бир орқадoshi сифати билан: Озарбайжон сахнасини қутлаймиз!

Сахналар теграсида. — «Туркистон» газетасининг 1923 йил 15 апрель сонида босилган.

Мирзо Фатхали Охундов (1812—1878) — озарбайжон ёзувчиси, маърифатпар, файласуф. Озарбайжон драматургиясининг асосчиси.

Араблинский — Халафов Хусайи Мамед ўгли (1881—1919), озарбайжон демократик театрининг асосчиси, актёр ва режиссёр.

«*Коммунист*» — Бокуда озарбайжон тилида 1919 йилдан бошлаб чиккан газета.